

Ҳоким ёрдамчилари фаолиятдан



Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш ҳамда ҳудудда ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги шунингдек фуқаролар ўз хонадони ва томорқаларидан самарали фойдаланиш бўйича олиб борилаётган ишлар кўздан кечирилди. Пошхурт маҳалласида "Пошхурт узумчилик ёшлар боғи" ишлаб чиқариш корпаративи ташкил қилиниб, Темир, ёшлар ва аёллар дафтарларида рўйхатда турган ҳамда ишсиз бўлган маҳалладаги 50 нафар фуқароларга 30 сотихдан боғдорчилик яъни (узумчилик) қилиш мақсадида ер майдони ажратиб берилди.